*Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!*

# Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



ҚИШЛОҚҚА ҚАЧОН ЗАМОНАВИЙ АВТОБУС КЕЛАДИ?

РАДАРЛАР «ҚОПҚОН» ВАЗИФАСИНИ БАЖАРМОҚДАМИ?

СПОРТ ЗАЛИ ЯНА ГАВЖУМЛАШАДИМИ?

АМАЛИЙ ИШГА ЎТИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

БОШ ҲИСОБЧИ БИЗНИ АЛДАМАГАНМИКАН?

# ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР




3-саҳифада ўқинг

## Кун нафаси



Президент Шавкат Мирзиёев фармацевтика соҳасини тартибга солиш, аҳолини сифатли ва хавфсиз дори воситалари билан таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.




Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди.



Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича Миллий комиссия раиси Танзила Норбоева Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро молия корпорацияси ва Жаҳон банки вакиллари билан видеоконференцалоқа шаклида музокара ўтказди.




Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида Хитой билан ҳамкорликда аэродром қурилади. Бу ҳақда Тошкент вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати хабар берди. Маълум қилинишича, Шенчжен шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон-Хитой бизнес форумида Оҳангарон туманида хусусий аэродром қуриш бўйича келишувга эришилган.




Статистика агентлиги томонидан ўтказилган 16 мингта уй хўжаликлари кузатувларига кўра, мамлакатимизда камбағаллик даражаси 2023 йил якунида 11 фоизгача пасайган. Мамлакатимизда ўтган йилга нисбатан 3,1 фоизга камбағаллик қисқарган. 2022 йил натижаларида камбағаллик даражаси 14 фоизни ташкил этган.

*1211 «Ишонч телефони»*

# «ДАРДИМИЗНИ АРИТГАНЛАРГА ТАШАККУР!»

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан муаммоси ҳал бўлмаётган хотин-қизлар сим қоқади.**



Эъзоза УМРЗОҚОВА олган сурат

1211 «Ишонч телефони»га келган мурожаатлар билан ишлаш бўлими ходимлари масалани чуқур ўрганган ҳолда, тегишли ташкилотларга хат жўнатиб, муаммонинг ҳал бўлишини назоратга олади. Қонунчилик доирасида вазирликлар, ҳокимиятлар билан ҳамкорликда юртдошларимизнинг мурожаатлари устида ишлайди. Мазкур тизим йўлга қўйилганидан бери кўпгина опа-сингилларимизнинг мурожаатлари ўз вақтида ечимини топмоқда. Ҳаттоки, айрим аёллар муаммолари ҳал бўлгач, кўнгли шод бўлиб, миннатдорлик мактублари ҳам юборишади. Бугун улардан айримларининг мазмуни билан таништирамиз.

Қашқадарё вилоятининг Косон туманида яшовчи Дилбар Ғаниевадан келган мактубда шундай дейилади:

«Икки нафар фарзандимни ёлғиз ўзим вояга етказяпман. Турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Соғлиғим яхши эмас эди. Маҳалла тиббиёт пункти шифокори Азизжон Элмирзаев мени даволаб, беминнат ёрдам берди. Ўз касбининг фидойиси бўлган бундай тиббиёт ходимлари кўпаяверсин».

Тошкент вилояти Қибрай туманидан бўлган Зубайра Бўтаева тўрт нафар фарзанди билан вагончада яшайди. Туман ҳокимияти бу оиладан хабар олиб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлайди. Яқинда вагончага электр токи уланди ва етарлича кўмир ҳамда ўтин келтириб берилди. З.Бўтаева Қибрай тумани ҳокимлигига, туманнинг электр тармоқлари таъминоти мутасаддиларига беғараз ёрдамлари учун ўзининг чексиз миннатдорлигини билдирган.

Яқинда Бухоро вилояти Ғиждувон тумани «Гулистон» МФЙга қарашли хонадонлар газлаштирилди. Шу маҳаллада яшовчи Фотима Сатторова аҳолига яратилган қулайликдан маҳалладошлари номидан давлат раҳбарига, маҳаллий ҳокимиятга ҳамда маҳалла раисига ташаккурномалар билдирган.

Хоразм вилояти Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи Насиба Рўзиметованинг ўғли оғир бетоб эди. Жарроҳлик амалиётига катта маблағ талаб этилганди. Ҳокимият мутасаддилари бошчилигида хайрия йўллари билан боланинг тузалиши учун керакли маблағ ўтказиб берилди. Натижада бир боланинг соғлиғи тикланиб, у фаол ҳаётга қайтди.

Н.Рўзиметова ушбу кўмак учун Урганч шаҳар ҳокимиятининг Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Барно Бердиева ва ҳокимият масъулларига ўз миннатдорчилигини билдирди. Натижада бу ишга бош қўшган ижрочиларнинг ҳам хизмат чарчоқлари унут бўлди.

Ўзганинг кўнглини ҳам, ўзининг кўнглини ҳам обод қилиш улуғ саодат. Зеро, Алишер Навоий айтганидек,

*Кимки бир кўнгли бузуғнинг*
*хотирин шод айлагай,*
*Онча борким, Каъба вайрон*
*бўлса, обод айлагай.*

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**
*«ISHONCH»*




3-саҳифада ўқинг

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

**DAVR**

Hech nima qilmaydigan odamgina xato qilmaydi, holbuki, uning eng katta xatosi ham shundir.
Lev Tolstoy

2024-YIL 1-FEVRAL, PAYSHANBA
№ 16 (4924)



Андижон вилояти

*Ўқув-семинар*

## ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТИНИ БИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

**Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилоят кенгаши масъул ходимлари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.**

Унда «Автойўл» тизимидаги шаҳар, туман йўллардан фойдаланиш корхоналарининг касаба уюшма қўмитаси раислари, ходимлар бўлими бошлиқлари ва техника хавфсизлиги бўлими мутахассислари ҳамда меҳнат муҳофазаси вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда ўтган йил учун тузилган жамоа шартномаларининг муҳокама йиғилишлари ҳамда тармоқда 2024-2026 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаларини тайёрлаш шартлари ва афзалликлари, меҳнат муҳофазаси талаблари бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида маърузалар тингланди. Шунингдек, меҳнатга оид муносабатларни расмийлаштиришда учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф этиш, касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишлари, иш берувчининг касаба уюшмалари олдидаги мажбуриятлари ҳамда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи локал ҳужжатлар – жамоа шартномаси ва ички меҳнат тартиб-қоидаларининг моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Амалиётда учрайдиган муаммолар юзасидан берилган саволларга атрофлича жавоб берилган ўқув-семинар якунида тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашининг бундан буёнги режалари белгилаб олинди.

**Назокатхон ҚЎЗИБОЕВА,**
*Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси*

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП!

**Амударё тумани ҳокимлигида ҳудуддаги агрокластерлар, йирик фермер хўжаликлари, турли корхона-ташкилотлар, Қорақалпоғистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги туман-шаҳар кенгашлари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раҳбарлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.**
**Анжуман аввалида туман ҳокими Сабир Хожаметов қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги режалар хусусида сўз юритди.**

Сўнгра Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Тўхта Бозоров меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, тармоққа аъзо йирик корхона-ташкилотлар ва агрокластерлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари тўғрисида фикр билдирди. Бошқа нотиқлар эса жамоа шартномаларининг аҳамияти, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Ўқув-семинар ниҳоясида савол-жавоблар бўлиб ўтди ва иштирокчилар томонидан киритилган таклифларга мутасаддилар томонидан муносабат билдирилди.

**Ерғалий СЕЙТНАЗАРОВ,**
*Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси*

*Фаолият*

Сурхондарё вилояти

# ИШОНЧ УСТУНЛАРИ ШУНДАЙ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

**Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида ишчи-ходимлар манфаатларини кўзлаб тузилган жамоа шартномасининг ҳар бир банди тўлиқ бажарилишини таъминлаш муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда**

Саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ биргина 2022 йилнинг ўзида корхонада бир қатор янги штат бирликлари ташкил этилди ва 47 нафар янги ходим ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар асосида 148 киши ишга қабул қилинди. Энг муҳими, корхона ишчиларининг иш соатлари қатъий белгилаб қўйилди ва ҳар бир меҳнат сменаси ўртасидаги дам олиш вақти 12 соатни ташкил этадиган бўлди.

Ташкилотимиз касаба уюшма қўмитаси фаолиятида ёшлар билан ишлашга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ҳар йили 5 нафар ёш мутахассисни ташкилотимиз маблағлари ҳисобидан ўқув юртларига ўқишга юбориш, захирадан тезкор хизматга чақирилувчилар учун фоизсиз ссудалар йўналтириш, бундай хизматни ўташ пайтида ёш ишчининг ўртача ойлик маоши сақланиши, мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёш кадрлар учун контракт тўловларини амалга ошириш, уларга фоизсиз ссуда олишда кўмаклашиш каби йўналишлар бўйича эътиборга молик ишлар қилинмоқда. Масалан, 2022 йилда ана шу йўналишлар учун касаба уюшмаси кўмаги билан 7 нафар ишчи-ходимга 72 миллион сўм, 2023 йилда эса 12 нафар ишчи-ходимга 131 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ташкилотимиз ижтимоий тўловлар борасида ҳам аниқ режа ва ҳисоб-китоб билан иш олиб боряпти. Чунончи, 2022



йилда меҳнат таътилига чиққанлар учун ойлик маошининг 30 фоизи миқдорида қўшимча равишда 235 миллион сўм, моддий ёрдам сифатида 440 миллион сўм, туғуруқ олди ва туғуруқдан кейинги таътил пайти учун 60 миллион сўм, ишга яроқсизлик варақаси асосида 185 миллион сўм, мукофот ва тақдирлашлар учун қарийб 2,2 миллиард сўм, натурал шаклдаги совғалар учун 12,6 миллион сўм, туристик саёҳатлар учун 50,9 миллион сўм маблағ сарфланди. 2023 йилда эса бу кўрсаткичлар янада юқорироқ бўлди, яъни ижтимоий тўловларни амалга ошириш янада такомиллаштирилди. Меҳнат муҳофазасини тўғри ва талаблар даражасида ташкил этиш учун ўтган йил давомида 300 миллион сўм маблағ сарфланди.

Касаба уюшмалари меҳнат кишисининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳар қандай шароитда ҳам тўлиқ сақланишида, ҳар бир ишчи-ходим ижтимоий ҳимояланишида чинакам ғамхўрлик қилувчи ташкилот ҳисобланади. Шу боисдан биз нафақат меҳнат билан банд бўлган инсонлар, балки нафақага чиққан ходимларни ҳам эътибордан четда қолдирмаяпмиз. Уларнинг ҳолидан мунтазам равишда хабар олиб турибмиз. Айни пайтда нафақада бўлган меҳнат фахрийлари ва кекса ёшдаги инсонлар билан учрашувлар, инсон маънавияти ва дунёқарашига жиддий таъсир этадиган тадбирлар уюштирилиб борилмоқда.

Кейинги йилларда корхонамизда ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор янгиликлар қилинди. Масалан, корхонамизда асосий меҳнат таътили 21 кунга тенг қилиб белгиланган. Биз ана шу муддатга яна уч кун, соғлиқ учун зарарли шароитларда ишловчилар учун эса 7-13 кунлик қўшимча таътиллар берилиши йўлга қўйилишига муваффақ бўлдик. Худди шунингдек, тўй маросимлари ўтказилиши, янги уйга кўчиб ўтилиши, йўлланма асосида саёҳатга юборилиши муносабати билан 3 кунлик, оилада фарзанд туғилганлиги учун эса 2 кунлик қўшимча таътил берилишига эришдик. Касаба уюшмамиз ташаббуси ва фаол қўллаб-қувватлаши билан амалга киритилган яна бир янгилик шундан иборатки, корхонамизда меҳнат қилиб нафақага чиққанлар, ўз истагига кўра, ишлашда давом этаверадилар. Лекин бу ҳолатда улар аввалгидек оддий ходим ёки ишчи эмас, балки мураббий мақомига эга бўлиб, ойлик маошига қўшимча равишда 30 фоиз устама ҳақ ҳам оладилар.

Меҳнат жамоасини соғломлаштириш, улар бўш вақтларини кўнгилли ўтказиши ва мароқли дам олишларини ташкил этиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Шу мақсадда турли маданий тадбирлар, спорт беллашувлари ўтказилмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси иш услубига хос яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаб ўтишим зарур. Яъни корхона қошида ёрдамчи хўжалик ташкил этдик. Ҳозирги кунда порт ишчи-ходимлари дастурхонига йил давомида етказиб берилаётган гўшт, сут, тухум, балиқ каби маҳсулотлар ана шу ёрдамчи хўжаликда етиштирилмоқда. Шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ҳам ишлаб турибди. Ушбу шохобчалар атрофида бунёд этилган сўлим боғда аттракционлар, футбол майдончаси, ёзги кинотеатр ҳам мавжуд. Бу ходимлар ва уларнинг фарзандлари мароқли дам олишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мана шу каби ишларимиз натижасида касаба уюшмаси ва ишчилар ўртасида ўзаро ишонч юзага келган. Бу эса касаба уюшмасига кўнгилли аъзо бўлувчилар сони кўпайиб боришига мустаҳкам пойдевор қўймоқда.

**Элмира КАЛИМУЛИНА,**
*«Термиз дарё порти» МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси*

**МУАЛЛИФ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА: МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО МИҚЁСДА БЎЛИБ ЎТГАН «ЭНГ ЯХШИ ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – 2023» КЎРИК-ТАНЛОВИДА ФАХРЛИ 1-ЎРИННИ ЭГАЛЛАГАН ЭЛМИРА КАЛИМУЛИНА «ТЕРМИЗ ДАРЁ ПОРТИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИНИ БИР НЕЧА ЙИЛЛАРДАН БУЁН БОШҚАРИБ КЕЛМОҚДА. ЭЛМИРА АЙНИ ВАҚТДА ТОШКЕНТДАГИ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ ИШ ФАКУЛЬТЕТИДА СИРТДАН ТАҲСИЛ ОЛМОҚДА.**

Сирдарё вилояти

*Бошланғич ташкилотларда*

# ЙЎЛСОЗЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА



**Телефон қўнғироғи Раҳиманинг хаёлини бўлди:
– Ассалому алайкум, дадаси. Кечки овқатга келасизми? Қайси километрдаман, дейсиз? Шағал ётқизяпсизларми? Бўпти, чарчаманглар.**

Турмуш ўртоғи Қурбонали Карвонов йўл қурилиш механизми ҳайдовчиси, 40 йиллик тажрибага эга йўлсоз. Уларнинг оиласини бежиз «йўлсоз Карвоновлар» дейишмайди. Ўғли Собиржон ҳам автогрейдер ҳайдовчиси. Бир дастурхон атрофида тўпланиб қолишганда суҳбат ўз-ўзидан иш мавзусига бурилиб кетади.

«Гулистон тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси умумфойдаланувида 132 километр йўллар бор. Шундан 51 километри давлат, 81 километри эса маҳаллий аҳамиятга эга. Йўлсозлар ҳар қандай шароитда йўловчи ва автоуловларнинг хавф-хатарсиз, узлуксиз ҳаракатланишини таъминлашга бутун эътиборларини қаратишади. Йўловчилар томонидан ташлаб кетилган йўлдаги чиқиндилар, баъзан машина тўхтаган вақтда баллон тагига қўйиб сўнг қолдириб кетилган тошларгача тозалашади. Йўлларни асфальт-бетон билан таъмирлаш, чуқурчаларни ямаш, пиёдалар ўтиш жойини, йўлнинг қатнов қисмини белгилаш, йўл белгиларини ўрнатиш ишлари билан машғул бўлишади.

Музлама пайтларда қум, туз сепиб йўлларни бехавотир, равон қилган ҳам айнан шу фидойилардир. Куз-қиш мавсумида ёғингарчиликлар туфайли таъмирталаб ҳолатга келган йўлларда улар зудлик билан созлаш ишларини олиб боришади, йўл белгилари ўрнатиб, ётиқ чизиқлар чизиб чиқишади. Бир сўз билан айтганда, уларнинг умри йўлларда ўтади.

Раҳима Карвонова корхонада бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси. Қулай меҳнат шароити яратиш, меҳнат муҳофазаси, касаба уюшма қўмитаси аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг дам олиши, саломатликларини мустаҳкамлаш борасида доимо куйиб-пишади. Йўлсозларни мавсумга мос ишчи кийимлари билан таъминлашдан тортиб кино, театр томошаларига боришларигача ташкилотчилик қилади. 63 нафар аъзонинг ҳеч бири Раҳиманинг назаридан четда қолмайди. Йўлсозлар билан суҳбатлашган одам бу аёлга берилган баҳони билади-қўяди.

– 42 киши бўлиб Бухорога қилган саёҳатимиз эсимиздан чиқмайди, – дейди улардан бири. – Вилоятдаги тарихий жойлари билан бирга янги замонавий уй-жойлар, қурилиш ишлари билан танишдик.

– Туркистонга, Аҳмад Яссавий зиёратгоҳига борганимиз-чи?, – қўшимча қилади иккинчиси.

– Қайси бирини айтамиз. Ўзи ҳар йили бир марта шундай саёҳатлар уюштириб туриладику! Маошимиз ҳам яхши, оилаларимиз тинч, меҳнат шароити жойида. Раҳима опа бу соҳада аввал ишлаб кетганларни ҳам унутмайди. Ўзи кенг феълли, қўли очиқ, саховатпеша. Камхаржроқ оилалардаги бир қанча болажонларнинг суннат тўйини ўтказиб берганларида қатнашганмиз. Жамоамиз ўртасида ҳам спортнинг кўп турлари бўйича мусобақалар ташкил қилганлари-чи? Ғолиб бўлиб, мукофотлар олганмиз, – дейди яна бири.



– Касабақўмимизнинг республика танловида ғолиб бўлгани-чи, – суҳбатга қўшилади бошқаси.

Ҳа, у 2021 йили «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловида «Ташкилотдаги меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тизими ҳолати ҳамда меҳнат шароитлари» номинацияси бўйича фахрли ўринни олишганига ишора қилаётган эди.

Раҳима Карвонова ҳар бир юмушни завқ билан, жой-жойига қўйиб бажаради. Яхшиликни тоққа қилиб, қайтишини даштдан кутадиганлардан. Ишхонасини, жамоасини ҳам оиласидан кам кўрмайди. Байрам борки, кўтаринки руҳда нишонлашади.

Қурбонали ва Раҳима Карвоновлар вояга етказган навқирон ўғлонлар – Собиржон, Содиқжон, Санжарбекка «Юлдуз» маҳалласидагилар ҳавасда. Набиралар тўпланса, уй боғчага айланади. «Йўл қурган – савоб» дейдилар. Хонадондаги файз ўша савоблар ҳосиласи бўлса ажабмас.

Биз ҳар доим йўлдамиз. Қоқилмай, сурилмай манзилимизга етаяпмиз. Ана шу қулайликларда қанчадан-қанча одамлар ўзларини ёзда офтоб тиғига, қишда қаҳратон изғиринга кўксини тутиб, тиним нималигини билмай меҳнат қилаётганларини англаб, бу меҳнатнинг қадрига етсак кифоя.

**Баҳор ХОЛБЕКОВА**
*«ISHONCH»*

Тошкент вилояти

*Тадбир*

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида жадид боболаримиз ҳақида гапирар экан, уларнинг меросини ўрганишнигина эмас, ҳар бир ишимизда улардан андаза олишимиз зарурлигини ҳам таъкидлагандилар.**

## МАЪРИФИЙ СУҲБАТЛАР



Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармаси томонидан «Оқтош» санаторийсида давра суҳбати ташкил этилди. Унда бошқарманинг маданий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Маҳмуда Мурзаева иштирок этиб, «Жадид боболаримиз – юртимизда илм-маърифат йўлбошчилари» мавзусида дам олувчилар ва санаторий ходимларига маъруза қилиб, қизиқарли мулоқот уюштирди.

Аввалига Маҳмуда Мурзаева XX аср бошларида Туркистон ўлкасида жадидчилик ҳаракатининг ташкил этилиши, унинг мақсад ва вазифалари, сиёсий қарашлари, юртимизда илм-маърифатни юксалтириш борасида олиб борилган ишлар, жумладан, жадид адабиёти ҳамда матбуоти масалалари ҳақида тўхталди. Шундан сўнг тадбир иштирокчиси бўлган дам олувчилар ҳам жадидчилик ҳаракати вакилларининг фаолияти, улар қолдирган асарларнинг мазмуни ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир давомида хушовоз хонанда Ғолиб Мирзо томонидан ижро этилган она юртимизни, эрк ва озодликни мадҳ этувчи қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият улашди.

**Зебо НАМОЗОВА**
*«ISHONCH»*

# ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР

***Самарқанд вилояти***

**Транспорт вазирлигига!**

## ҚИШЛОҚҚА ҚАЧОН ЗАМОНАВИЙ АВТОБУС КЕЛАДИ?



**Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида замонавий автобуслар қатнови кенг йўлга қўйилди. Ҳар жиҳатдан қулай, шинам транспорт воситаси йўловчилар манзилини яқин қилиш баробарида экологик муҳит мусаффолигига ҳам ҳисса қўшмоқда.**

Аммо бундай имкониятдан қишлоқларда яшовчи аҳоли бебаҳра қоляпти. Олис чекка ҳудудларни қўя турайлик, ҳатто туман марказларини катта шаҳарлар билан боғловчи йўлларда ҳам замондан ортда қолган автобуслар ҳаракатланаётганига нима дейсиз?

Масалан, Пахтачи, Қўшработ, Нарпай, Нуробод, Каттақўрғон ва бошқа қатор туманларда ҳаракатланаётган автоуловларнинг аксар қисми ўз муддатларини ўтаб бўлган транспорт воситаси саналади.

Аслини олганда жамоат транспортининг қулайлик жиҳатлари кўп. Энг аввало, йўлкира устидан назорат ўрнатилади. Қолаверса, шахсий транспорт воситаларида кундан-кунга ўрлаб бораётган нарх жиловланади. Ошиб бораётган тирбандликларга ҳам барҳам берилиб, бюджетга салмоқли тушум бўларди.

Айтмоқчи бўлганимиз, туман йўналишларига ҳам замонавий автобуслар қатновини йўлга қўйиш мумкинми-йўқми?

**Илҳомиддин РУСТАМОВ**
*Каттақўрғон шаҳри*

***Фарғона вилояти***

**Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармасига!**



**Бугун йўлларда қоидабузарликларни қайд этувчи радарлар шу қадар кўпайганки, ҳайдовчиларни, гарчи қоидани бузмаса ҳам, «Ишқилиб радарга тушиб қолмадимми?», деган ўй босадиган бўлиб қолган.**

## РАДАРЛАР «ҚОПҚОН» ВАЗИФАСИНИ БАЖАРМОҚДАМИ?

Гап йўлларга ўрнатилган радарлар ҳақида кетар экан, бир жиҳат кўплаб ҳайдовчиларни ўйлантириб қўяётгани рост. Мисол учун, олдинда радар борлигидан огоҳлантирувчи белги ўрнатилган. Аммо ўша ҳудудда тезлик соатига неча километрдан ошмаслиги кўрсатилмаган. Яъни соатига 60 км.ми, 70 км.ми аниқ билмайсиз. Жумладан, Қўқон шаҳридан то Фарғона шаҳригача бўлган масофа деярли 100 км.ни ташкил этади. Бироқ радар белгиси ўрнатилган бирорта жойда юқори тезлик чегараси кўрсатилмаган.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани «Чорвоқ» дам олиш маскани томонга юрсангиз, ҳар бир радар белгисига юқори тезлик чегараси аниқ қилиб кўрсатиб қўйилган. Ва шунга монанд йўлларда ҳаракатланаверасиз.

Бу эса ўз-ўзидан савол келтириб чиқаради: Фарғонада нега радар белгиси ўрнатилган жойга юқори тезлик чегараси кўрсатилмаган? Ёки радарлар фақат «қопқон» вазифасини бажармоқдами?

**Давронбек ДЕҲҚОНОВ**
*Данғара тумани*

***Сирдарё вилояти***

**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига!**

## АМАЛИЙ ИШГА ЎТИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

**Бугунги ёшлар миллий мусиқаларни, мумтоз қўшиқларни эшитишмайди. Сабаби, улар ўзбек миллий-мумтоз ашула ижрочилиги йўналишида ўзларидан бебаҳо ижрочилик мактаблари қолдирган устоз санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятидан бехабар. Ҳофизларнинг ашулаларини тушуниб, мусиқани теран англашмайди. Озарбайжонда шифокор мақом айта олади. Қурувчи тор чала олади. Чунки мактабларда мақом ўргатилади. Уларда ҳар ким хонандалик, созандалик касбини эгаллаши шарт эмас. Аммо мақомларни куйлай оладилар, мусиқа асбобларини чала биладилар, зукко таҳлил қила олишади.**

ХХ аср бошларида юртимиздан етишиб чиққан, мақом ва мумтоз ашулалари билан машҳур бўлган ҳофизлар Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, домла Ҳалим Ибодов, Содирхон ҳофиз Бобошарипов, Юнус Ражабий, Муҳиддин Қори Ёқубов, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Саодат Қобулова, Бобораҳим Мирзаев, Ҳожихон Болтаев, XX асрнинг 1950-1970 йиллардан кейин танилган қатор ҳофизларни бугунги ёшлар қандай ва қачон танийдилар?

Фарзандларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳамма шароитлар етарли бўлган бизнинг юртда амалий ишларга ўтиш фурсати етмадими?

**Абдураҳим СУЛТОНОВ**
*Гулистон шаҳри*



***Қашқадарё вилояти***

**Соғлиқни сақлаш вазирлигига!**

**Қарши шаҳрида жойлашган вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказида йил давомида кўплаб ногиронлар саломатлигини тиклайди, имтиёзли дам олишади.**

## СПОРТ ЗАЛИ ЯНА ГАВЖУМЛАШАДИМИ?



Марказнинг спорт зали ҳам бор бўлиб, бир вақтлар у жуда гавжум эди. Ходимлар ва даволанувчилардан ташқари кўпгина спорт тўгараклари аъзолари ҳам залда машғулот ўтказишарди. Бироқ бугунга келиб, зал таъмирталаб, поллари чириб, ачинарли ҳолга келиб қолган.

Спортга, хусусан, оммавий спортга катта эътибор берилаётган бир пайтда зални таъмирлаш, ундан унумли фойдаланиш давр талабидир. Шундай экан, Қашқадарё вилояти ногиронларни реабилитация қилиш марказининг спорт зали қачон таъмирланади? Бу борада кимдир чора-тадбир ишлаб чиқяптими?

**Бахтиёр АКМАЛОВ**
*Қарши шаҳри*

***Навоий вилояти***

**Адлия вазирлигига!**

## БОШ ҲИСОБЧИ БИЗНИ АЛДАМАГАНМИКАН?



**2023 йилнинг сўнгги кунларида муассасамизда раҳбар алмашди. Янги келган раҳбар бизга на иш ҳақимизни, на байрам учун мукофотимизни берди.**

Пул сўраганларга бош ҳисобчимиз «Раҳбар ўзгаргандан кейин банк ҳужжатлари, муҳр ва имзолар ҳам ўзгаради, энди ҳаммасини янги йилдан кейин оласизлар», дея турли баҳоналарни пеш қилди. Унинг гапи рост ёки ёлғонлигини биз қайдан биламиз!?

Давлат бюджети маблағларидан фойдаланадиган бирорта корхона ёки ташкилотда кутилмаганда бошлиқ ўзгариб қолса, ходимларга берилиши лозим бўлган иш ҳақи, мукофот ва таътил пуллари, моддий ёрдам ҳамда бошқа тўловларни амалга ошириш қанча муддатга тўхтатилади? Бир гап билан айтганда раҳбарнинг ўзгариши муносабати билан ходимларнинг иш ҳақи ёки бошқа тўловларни ололмаслиги уларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келмайдими?

**Муҳаббат МАНСУРОВА**
*Навоий вилояти*

***Нуқтаи назар***

# ДУНЁГА ЯДРО УРУШИ ХАВФ СОЛЯПТИМИ?



*Сўнгги пайтларда дунёнинг кўплаб нашрлари олигархлар пулларини шахсий ороллар сотиб олиш ва «қора кунлар» учун бункер қуришга сарфлаётгани ҳақида ёзишмоқда.*

**Жумладан, ўтган йилнинг охирида Марк Цукерберг Гавайи оролида жойлашган фермаси остига энергия ва озиқ-овқат манбалари ҳамда ўта зирҳли эшикларга эга ерости бункери қургани маълум бўлди. Amazon асосчиси Жефф Безос ҳам Маямидаги Индиан-Крик оролидан 79 миллион долларга уй сотиб олиб, у ерга расман кўчиб ўтишини маълум қилди. Яна бир америкалик бизнесмен Фрэнк Вандерслот Калифорния штати Зук шаҳарчасида 2 минг гектарлик фермани 51 миллион долларга сотиб олиб, у ерда худди шундай бошпана қургани айтилмоқда. Шунингдек, OpenAI компанияси бош директори Сэм Альтман ҳамда PayPal ҳаммуассиси Питер Тиль ОАВдаги чиқишларида ядровий уруш эҳтимоли юзага келиши билан Янги Зеландиядаги мулкларига яшириниш режаси борлиги ҳақида сўз очган.**

Баъзи маълумотларга кўра, америкаликлар 2022 йилнинг апрелидан 2023 йилнинг мос давригача чекка ҳудудлардаги бошпаналар учун 11 миллиард доллар сарфлашган.

Одатда, бункерлар атом бомбалари ёки катта урушлардан ҳимояланиш учун қурилади. Демак, одамлар яқин келажакдан жиддий хавотирда.

Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги вазият қалтис тус олмоқда. Бир томондан Россия-Украина, бошқа тарафдан Исроил-Ғазо уруши, яна Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги зиддиятлар...

Россия раҳбари Владимир Путин 2018 йили журналист Владимир Соловьёвнинг «Жаҳон тартиби – 2018» фильми учун берган интервьюсида Россия ядро қуролини жавоб-қарши зарба сифатида қўллаши мумкинлигини айтар экан, «...кимдир Россияни йўқ қилиш ҳақида қарор қабул қилса, Россия ҳам бунга жавоб беришга ҳақли бўлади. Аммо Россия фуқароси ва ушбу давлат раҳбари сифатида савол бермоқчиман: агар дунёда Россия бўлмаса, бундай дунёнинг бизга нима кераги бор?» деган эди.

Владимир Путин, шунингдек, ўша йилнинг 1 март куни Федерал мажлисга мурожаати чоғида иккита янги жанговар ракетани намойиш этганди. Ўшанда ҳам у Россия ўз иттифоқчиларига ёки ўзига таҳдид сезилса, Россия ядро қуроли қўллашдан қайтмаслигини маълум қилганди.

«Бизни ядровий қуролни қўллашга мажбурлайдиган икки сабаб бор: ядровий қурол қўллаган ҳолда ёки оддий қурол билан Россияга ҳужум қилиш. Оддий қурол қўлланган ҳолда ҳужум вазиятида Россия мавжудлигига таҳдид бўлсагина ядровий қурол қўлланади. Жавобимиз ўта ёмон оқибатларга эга бўлади», дея ваъда берган эди у.

Демак, ҳозирги хавотирлар бежиз эмас. Ҳар ҳолда, бойлар ниманидир биладики, бор бойлигини бункер қуришга сарфлашяпти.

Мавзу юзасидан сиёсатшунос Камолиддин Раббимов билан суҳбатлашдик. Унинг таъкидлашича, ортиқча хавотирга ўрин йўқ.

– Иккинчи жаҳон урушидан сўнг салкам ярим асрлик, яъни қирқ йилдан ортиқ муддат совуқ уруш даври бўлди, – дейди Камолиддин Раббимов. – Ўша вақтларда энг катта таҳдид икки қудратли давлат – СССР ва АҚШнинг ядровий тўқнашуви эҳтимоли эди. Ва икки тараф ҳам мана шу тўқнашув содир бўлмаслиги йўлида барча воситаларни, имкониятларни ишга солди.

Мана, совет иттифоқи қулаганига ҳам 30 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бугунги кунда дунёнинг энг гегемон давлатлари – АҚШ, Россия, Хитой ўртасидаги муносабатлар бугунгидек босқичга чиқмаган эди. Украинага Россия бостириб кирган бир ҳолатда коллектив ғарб ёки АҚШ Россияни тезда мағлуб қилиш учун Украинага катта қурол-яроғ беришга қўрқяпти. Сабаби, Россия – ядровий қудрат, салоҳият дегани. Ва агарки, бу давлат урушда мағлуб бўладиган ёки қалтис бир вазиятга тушиб қолгудек бўлса, ўзининг тактик, стратегик ядро қуролини ишлатиш билан таҳдид қила бошлайди. Бундай баёнотларни тез-тез эшитяпмиз ҳам.

Мана шу ҳолатдан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, бундан биринчи галда дунё миллиардерлари хабар топади. Бинобарин, бой ва салоҳиятли одамларда ҳамиша бошқаларга нисбатан кўпроқ маълумотлар бўлади.

Бир томондан, олигархларда маълумотлар кўп, иккинчи тарафдан, молиявий ва бошқа ресурслар мавжуд. Шундан келиб чиқиб, улар ерости бункерлари қуришга киришиб кетган бўлиши мумкин.

Умуман олганда, қалтис вазият бироз ортда қолди, десак ҳам бўлади. Чунки Россиянинг Украинага бостириб кирганидан кейинги олти ой жуда хавотирли давр эди.

Назаримда, ҳозир нафақат Россия, балки дунёнинг бошқа давлатлари ҳам ядровий қурол ишлатиши эҳтимоли 2022 йилга нисбатан бироз пастроқ.

Лекин кейинги ўн йилликларда қудратли давлатлар ўртасида геосиёсий кураш янада кескинлашади. Ҳозир глобал ҳокимият учун кураш янги авж нуқтасига чиқмоқда.

Хусусан, Хитой бугун иккинчи қудрат ва у билан яқин ўн йиллар ичида АҚШнинг ҳарбий тўқнашуви потенциали ошиб бораётир. Демак, 2026-2030 йиллар ўрталарида икки давлат ўртасида уруш бўлиши эҳтимоли йўқ эмас.

Агар мана шундай вазият юзага келса, дунё миллиардерлари қураётган ерости бункерлари уларга керак бўлади. Кишига умид берадиган ҳолат шуки, ҳозирча дунё бундай хатарли нуқтани кесиб ўтгани йўқ.

**Сиёсатшуноснинг фикрларида жон бор. Машҳур ва бой кишиларнинг хавфсизлик масаласига жиддий эътибор бераётгани бежиз эмас. Уларнинг хавотири ўринли ёки ўринсиз эканини эса вақт кўрсатади. Ҳар не бўлганда ҳам, бизнинг тилагимиз ва истагимиз битта: дунёнинг қай бурчаги, қай нуқтасида бўлмасин, тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурсин. Урушлар барҳам топсин. Одамлар бахтли ва фаровон ҳаёт кечирсин.**



**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**
*«ISHONCH»*

KO'ZGU

Do'stlik va birodarlik ipini halol va samimiy kishilar bilan bog'la.

Imom G'azzoliy

2024-YIL 1-FEVRAL, PAYSHANBA
№ 16 (4924)

*Саломатлик*

# Шифобахш неъматлар «МАЛИКАСИ»



**Қовоқ азал-азалдан севимли неъматлар сирасига киради. Хуштаъмлиги ва организм учун фойдали бўлгани боис ундан тайёрланган турли таомларни кўпчилик, айниқса, кексалар иштиёқ билан тановул қилишади. Ёшлик давримизда онажоним ҳар шанба ёки якшанба куни тандирга олов ёқиб, бувам ва бувимга ичига майда тўғралган қуйруқ ёғи солинган бир қаватли қовоқ сомса ёпиб берарди. Шунингдек, қўй гўштидан қовоқли шўрва, қовоқнинг пистачалари тозаланган ўрта қисмига сариёғ ёки думба мойи солиб ва бошқа усулларда ҳар хил овқатлар тайёрларди. Аммо биз, болалар бу таомларни унчалик ёқтирмасдик. Бувам бош чайқаб, «Ҳали ёшсизлар, шунинг учун унинг фойдасини билмайсизлар», деб қўярди.**

Ҳа, катталарнинг билгани билган экан. Шу боис улар табиатнинг турли-туман бебаҳо инъомларидан оқилона фойдаланиб, бизга нисбатан анча кучли ва соғлом бўлишган экан.

Қовоқ таркибидаги фитостероллар юрак-қон томир касалликлари хавфини камайтиради, магний юрак мушакларини мустаҳкамлайди, К витамини қон ивишига ижобий таъсир кўрсатади. Қовоқни мунтазам истеъмол қилиш натижасида ангина пекторисининг намоён бўлиши, ревматизм ва атеросклероз хавфи камаяди. Унинг пульпаси (юмшоқ қатлами) танани тозалашга ёрдам беради, ортиқча суюқлик ва токсинларни чиқариб ташлайди, овқат ҳазм қилишни рағбатлантириб, метаболизмни яхшилайди. Пектин эса ичакларни нозик тозалашда, уларнинг ҳаракатчанлиги ва микрофлорасини тиклашда асқатади.

*Қовоқ таркибидаги фойдали унсурлар углевод алмашинувини яхшилаб, ўт йўлларини созлайди ва ёмон холестеринни чиқариб ташлайди, жигар ва ошқозон-ичак касалликлари олдини олади. Жигарга ўзининг асосий вазифаси – тананинг ҳар кунги детоксификациясини бажаришига ёрдамлашади. Шунингдек, қандли диабет, буйрак ва бошқа бир қанча касалликларни даволашда ва олдини олишда қўл келади. Бу борада нафақат қовоқ пульпаси, балки уруғлари ва мойи ҳам яхши самара беради.*

Қовоқда каротин моддаси ҳам кўп. У одамзод вужудида А витаминига айланиб, кўз нурини яхшилашга ва кўриш равшанлигини оширишга хизмат қилади. Қовоққа қаймоқ ва бошқа ёғлар қўшиб истеъмол қилинса, А витамини сўрилишига кўмаклашади.

Қовоқнинг паст калориялиги семиз кишиларга озиш имконини яратади. Таркибида холестерин ва крахмалнинг йўқлиги эса парҳез тутишнинг, соғлом овқатланиш ва эрта қаримасликнинг муҳим омили саналади. Бу маҳсулотдаги витаминлар уйқусизлик ва стрессни бартараф этишда, гижжаларни ҳайдашда, подагра, сил, тери, онкологик ва яна бир қанча касалликларни даволашда, уларнинг олдини олишда ҳам ижобий натижалар беради.

Ҳозир қовоқдан тайёрланган таомларни истеъмол қилишнинг айни вақти. Ундаги витаминлар билан танамизни тўйдирсак, ўзимизни касал бўлишдан асраймиз.

**Раъно МАҲКАМОВА**
*тайёрлади*

**Эълон**

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 394-уй, 28-хонадон учун Турманов Азилхан (марҳум) номига берилган уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Бухоро вилоятидаги Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг туман ва шаҳар кенгашлари тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Қоровулбозор тумани кенгаши ҳисобчиси Гулзор Ҳақназаровага онаси

**Гулнора ая ҲАҚНАЗАРОВА**

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

*Туйғҳат ўрнида*

# Бухоронинг ЎН УЧИНЧИ ДАРВОЗАСИ



**Мен Бухорои Шарифга «Самарқанд дарвоза»сидан кириб борганман... Ўша кезлар ҳали димоғидан ёвшан ҳиди аримаган, товонидаги янтоқтиканлари изи битмаган оддий қишлоқ боласи эдим. Шарқ эртакларидаги тасаввуримдан-да гўзал Бухоронинг ҳар бир ғишти мени ўзига мафтун этар, қадамларимни «ўйлаб» босардим. Атрофимда минг турфа ташвишу хаёллар ва ўз юмуши билан овора одамлар.**

Албатта, талабаликнинг узун кунларида Лаби Ҳовуз ёнидаги зинада ўтириб хаёл суришнинг, илҳом париларини кутишнинг ўзгача гашти бор...

– Ҳорманг, шоир! Мутолаа қиляпсизми? Ёнингиздан бизга ҳам жой топиладими?

Самимий хитоб, дўстона сўров ва ўзига яқин тутиб қилинган таклиф мени бир лаҳза гангитди. Ҳаётдан мамнун, юлдузи иссиқ, хушчақчақ нотаниш-таниш одам билан қарийб ярим соатлик суҳбатдан сўнг яқин қадрдонлардек хайр-хушлашдик...

Орадан чорак аср ўтди. Мен ўзим учун бешик бўлган Бухорои Шариф инсонларидан самимият, андиша, меҳр-оқибат, энг асосийси, одамийлик мактабининг мукаммал сабоқларини олдим.

Орадан йиллар ўтиши билан кўпчилик фақат ёнимдан эмас, ҳатто ёдимдан ҳам чиқиб кетди. Эсланганда кимлигимни хотирлашдан орланганлар, кўмак сўралганда зорланганлар ҳам бўлди, кўрганда кўрмаганлар эса ҳамон ёнимда...

Аммо айни навқирон 17 ёшимда кўҳна Кентнинг қоқ юрагида саломимга илк бор алик олган, иззат талаб қилмаган, катта ҳарфлар билан ёзиладиган ИНСОННИ кейинчалик – орадан йиллар ўтгач, росманасига кашф қила бордим.

Очиғи, одамзод умр мазмунини сарҳисоб қилишни кўпинча унутиб қўяркан. Кундалик юмуш, ҳаёт ташвишлари, қувончлари, оддий маиший турмуш тарзи, жамият ва сиёсатга боғланган кунлар шунчалик тез ўтиб кетар эканки, инсон баъзан ортга боқишга ҳам ҳафсала қилмайди.

Ҳеч қандай манфаат ва илтифотсиз, ёнма-ён ўтиришга бир муддат изн сўраган ва бутун умр қалбим тўридан ўрин эгаллаган Бахтиёр Асадовнинг ҳаёт фалфасини англаганимда, янги асрнинг иккинчи ўн йиллиги бошланган эди.

Газета бўёғи ҳидидан ризқ таъмини туйиб, телевидение экранини меҳробдай улуғ санаган, таъбир жоиз бўлса, журналистикани қисматга, ҳаётининг бир бўлагига айлантирган ва бу одатларини ўнлаб шогирдларига ҳам юқтира олган Бахтиёр бобо бугун бир этак невараларига Лаби Ҳовуз эртакларини сўзламоқда.

Салкам 45 йилдан бери журналистиканинг қаттиқ ва заҳматли нонидан орланмаган, мукофоту медаль даъво қилмаган, борида бериб, йўғида қадди букилмаган бу ИНСОНни бугун яна бир бор бошқаларга ҳам эслатгим келди.

...Кечагина эди устоз Абдусаид Кўчимовдан ҳайиқиброқ «Ёшлар»га лавҳа тайёрларди мухбир Бахтиёр Асадов!

Назаримда, яқин-яқингача Ахбор Имомхўжаев билан «Бухоро» стадионида гап талашарди шарҳловчи Бахтиёр ака.

Қайсидир йили Хуршид Дўстмуҳаммад билан бирга, Бухоро журналистикаси тақдири ҳақида баҳслашганди журналист Бахтиёр Асадов.

Самандар Воҳидовдан билмаганини сўрашдан уялмаган, Садриддин Салим Бухорий ўгитларини олишдан эринмаган, Сафар Аҳмад, Дилмурод Жаббор, Ибодат Ражаблар билан «тиллашган»и ҳам кечагидек ёдимда.

...Душанба куни катта ўғлини уйлантирди, сешанба куни кейингисини, чоршанба куни ўртанчасини, пайшанба куни кичигини. Жума куни қизини турмушга чиқарди.

«Орзугул билан бизнинг бахтиёр кунимиз бугун!» дея Севинч исмини қўйди тўнғич неварасига.

Ҳар бир даврада ўзига устоз, дўст, ҳамфикр ва ҳаммаслак топишга интиладиган Бахтиёр ака кимлардандир ўзини устун деб билмади, ўзини камситиб ҳам қўймади.

Мустақилликнинг илк йилларида биринчилардан бўлиб, хусусий газета – «Бухоро спорти» таъсис этилиб, дастлаб кимларнингдир қитиғига тегканида «... Майли-да, ҳар карвоннинг ризқи бўлак», деб индамади. Қайсидир тоифадаги амалдорларнинг «тадбиркор мухбир» дея киноя қилишларига «Қўлимдан келгани шу» маъносидаги жилмайиши жавоб бўлди. «Мен бир оддий киночининг боласиман, газет сотиб кун кўришдан орланмайман» дейишдан эринмасди у ҳар гал самимий оҳангда.

Шундай йиллар бўлдики, «Бухоро спорти» газетаси вилоят миқёсидаги нашрлардан 10 баравар кўп нусхада чоп этилди. Хусусий нашрларнинг бу даражада сотилиши (ҳеч қандай обунасиз) мумкин эмаслиги ҳатто масъул идоранинг «цензур»и томонидан қатъий таъкидланганида ҳам Бахтиёр ака мийиғида кулиб қўйиш билан жавоб берарди. Ҳар гал газета чоп этилгач, уни босмахонадан тезроқ олишга ва тарқатишга шошарди. Почта идораси, хусусий матбуот тарқатувчилар, киоскалар ва бошқалар минглаб газеталарни ўқувчиларига етказишга ошиқарди. Аммо, бир ўрам – 100 дона газета, анъанага кўра, ҳар ҳафта таҳририят ёнидаги бозорга – футбол фанати бўлган оддий дўкондор-сотувчиларга бепул тарқатиларди...

«Бухоро» ўйингоҳидаги ҳар қандай футбол ўйини Бахтиёр Асадовнинг таниш ва қадрдон овози билан бошланади. Жамоа ютган кунлари олқишларни, енгилган кунлари қарғишларни елкасида олиб қайтади устоз...

Бухоронинг қоқ марказида – Лаби Ҳовуз лабидаги шинамгина ҳовли доим гавжум. Қозон тагидаги олов, шифтдаги чироқ ҳеч қачон ўчмайди, ўчишга улгурмайди ҳам...

Бугун Бухорога бориб шаҳарнинг ўн учинчи дарвозасини тополмай қолсангиз, ҳеч иккиланмай Бахтиёр Асадовни сўранг! У кишининг ўзи, сўзи, қалби, одамохунлиги сиз ахтарган ўн учинчи дарвозадай гап...

Ҳа, айтганча, меҳридарё инсон, камтар ва камсуқум ижодкор Бахтиёр Асадов табаррук 65 ёшни қарши олмоқда. Устозни, устозимизни қутлуғ ёши билан табриклайман. У киши ҳамиша яқинимда, атрофимда, қалбимда бўлишини истайман.

Умрингиз узоқ бўлсин, устоз!



**Дилшод МАМАРАЖАБОВ,**
*журналист*

*Суҳбат*



## Эркин ХУШВАҚТОВ:

# Бизга янгича фикрлайдиган ТЕАТРШУНОСЛАР КЕРАК

*«Одамлар театрларга тушмай қўйган... Яхши асарлар, драматурглар йўқ... Томошабинни фақат тоши енгил асарлар билан жалб қилиш мумкин...».*

Бу каби фикрлар тез-тез қулоққа чалинади. Хўш, аслида-чи?

Чинданам, бугун яхши саҳна асарлари йўқми? Драматурглар ижоди нега кўзга кўринмаяпти? **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, драматург Эркин ХУШВАҚТОВ** билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

**– Бугун таъсир кучи кенг, салмоқли саҳна асарларига эҳтиёж қай даражада? Томошабинларни бугунги ижодкорлар тақдим этаётган асарлар қониқтира оляптими?**

– Халқимиз асосан комедик жанрни яхши кўради. Трагедик асарларни унчалик хушламайди. Бу билан театрлар драма қўймасин, демайман. Масалан, яқинда «Юлдузли тунлар» асари асосида ишланган спектаклни премьера қилдик. Яхши кутиб олинди, томошабинлар узилмасдан келяпти.

Томошабинларнинг маънавий эҳтиёжини қондирадиган асарлар ҳамиша бўлган. Фақат биз буни кулгу орқали етказиб беришга ҳаракат қиламиз. Асарларда адолат, ҳақиқат, ижтимоий муаммолар кўтарилади, диалогларда таъсирчан фикр-мулоҳазалар берилади. Ҳалоллик, поклик, ўзбекона қадриятлар акс этган асарлар жуда кўп.

Баъзи ёшларни кўряпсиз, уларнинг кийиниши, қўполлиги кўнгилга тегадиган даражада. Ўйлайманки, уларга сабоқ бўладиган саҳна асарлари яратилган. Аммо, қанийди, ёшларни, фарзандларимизни театрга ошно қила олсак...

**– Телеканалларда берилаётган қатор сериаллар ва айрим спектаклларнинг савияси саёзлашиб боряпти. Бунга сабаб нима?**

– Маданият вазирлигида, «Ўзбеккино»да профессионал, асарларни тушуниб таҳлил қиладиган театршунослар, ижодкорлар кам. Бадиий кенгашда кўп асарлар юзаки таҳлил қилинади. Натижада савиясиз қўлёзмалар (асар дейиш ноўрин) сериалларга айланади ва оммага намойиш этилади. Улардан уялиб кетасан. Мавзулари, саҳналари... Шуни қайсидир «ижодкор»лар халққа тақдим қиляпти.

Агар барча телеканалларда профессионал адабиётшунос, театршунос ва ижодкорлардан иборат бадиий кенгаш бўлса, менимча, бўш нарсалар экранга чиқмайди.

Аслида яхши ёзадиган, савияли драматурглар кўп эмас. Учқун Ўсаров Абдулла Орипов ҳаёти ҳақида асар яратди. Сардор Ҳамро «Судья» сериали сценарийсини ёзди.

Драматургия оқсаяпти, дейишади. Лекин борларининг қадрига етишмайди, ижодини қадрлашмайди. Ўтган йили бўлиб ўтган конференцияда шу масала кўтарилганди. Танловларда яхши асарларга ўрин берилмайди. Бу эса, ижодкорнинг ҳафсаласини пир қилади, кўнглини совутади.

Мен узоқ йиллардан бери театрда ишлаб келяпман. Шу боис чироқчилардан тортиб, мусиқачилар, рассомлар ишини яхши тушунаман. Пьесани ёзишда ижодкор буларнинг ҳар бирига эътибор бериши керак. Олий драматургия курсида ўқидим. «Янги ой шуъласи», «Халқпарвар», «Ёшлар орзуси» каби сценарийларимнинг ҳеч бирига танловларда биронта ўрин берилмади, бирон бир театрга тавсия қилинмади. Драматургларни айблашдан кўра, уларга йўл кўрсатадиган, учқунни оловга айлантирадиган танқидчилар, таҳлилчилар керак. Асарда битта яхши фикр бўлса, уни бойитиш керак. Турғун Азизов, Мунаввар Абдуллаева каби режиссёрлар бизларни драматург даражасига етказишган. Драматургларни кашф қиладиган мана шундай режиссёрлар керак.

Менимча, бадиий кенгашлар сафини ёшартириш, яъни бугунги мавзуларни тушунадиган, замон билан ҳамнафас фикрлайдиган инсонларни бадиий кенгашга жалб этиш зарур. Маданият вазирлиги қошидаги бадиий кенгашни Бахтиёр Ёқубов, Шоҳруҳ Абдурасулов, Озода Шобилолова каби янгича фикрлайдиган театршунослар билан янгилаш керак.

**– Бугунги ўзгаришлар янги-янги мавзу ва масалаларга эътибор қаратиш ҳамда уларни саҳнага олиб чиқишни талаб этмайдими?**

– Ҳа-да, биз қачон янгиланамиз, қачон янги жамиятга мослашамиз? Янгиликни ёшлар ҳис қилади, шу боис бадиий кенгашлар сафида дунёқараши кенг, кун нафасини ҳис қиладиган ёшлар кўп бўлиши керак.

Бугун йилт этган ғояни ривожлантирадиган драматургларга талаб катта. Самарқандлик Раъно Одилова биринчи туркий алифбони яратган жадид ҳақида асар ёзиб келди. Жадидлар мавзусини театрлар ҳам намойиш этиши, улар ҳақида томошабинларга манзур бўладиган ҳаётий асарларни саҳналаштириши керак.

Ўтган йили реал воқеалар асосида «Тобут кўтарган аёллар» номли пьеса ёздим. Бир қишлоқда эркаклар ишлаш учун чет элга кетишади. У ерда фақат аёллар, болалар ва қариялар қолишади. Бир отахонни сўнгги манзилга кузатиш аёллар чекига тушади. Асарда отанинг қишлоқ учун қилган кўп яхши ишлари баён қилинади. Тўғриси, бу асар устоз санъаткор Эркин Комилов учун яратилганди. Ўша оқсоқол тимсолида мен Эркин акани кўра олдим. Асар уларга ҳам маъқул бўлди.

«Белида белбоғи борлар», «Жаҳолат», «Одамлар бир миллат эдилар», «Адолат қўнғироғи», «Туғишганларим» каби пьеса ва сценарийларнинг барчаси бугунги кун нафаси билан йўғрилган. Аммо ҳали ҳеч бири саҳна юзини «кўрмаяпти».

Бир сўз билан айтганда, бугун томошабинларга жамият дарди акс этган, бугунги кунга ойна тутадиган асарлар керак. Аслида бу каби асарлар йўқ эмас. Фақат улар кўпинча қоғозларда қолиб кетяпти.

**– Театр ва телеканаллар енгил-елпи мавзулар билан томошабинни ушлашга ҳаракат қилишадими?**

– Баъзилар томошабиннинг ўзи енгил мавзуларга ўч, шунга қараб дастурхон ёзамиз, яъни асар тақдим этамиз, дейишади. Аммо мен бу фикрга умуман қўшилмайман. Томошабин жуда сезгир, талабчан, интеллекти баланд. Тош босмайдиган асарлар берилишида уларнинг айби йўқ.

Янги мавзулар, замондошлар ҳаёти акс эттирилган асарлар бор. Лекин уларнинг ўрнига ўша енгил асарлар саҳналарга чиқиб бораверади, телеканаллар савиясиз сериалларни намойиш қилаверади.

Баъзан сериалларни кўриб, даҳшатга тушаман. Эр талашиб, ёқалашган аёллар, жанжалкаш оилалар, келинига кўз олайтирган қайната, «очиқ-сочиқ» саҳналар, диалоглар...

«Номус», «Кундош» каби сериаллар тақдим этилаётган хусусий каналларда жилов йўқ.

Одамлар бугун нимани кўришни хоҳлаяпти, ўша мавзуларни ўрганиш ва олиб чиқиш зарур.

Давримиз ҳақида ҳеч ким кутмаган фикрларни айтиш керак. Жамиятни уйғотадиган, янгиликлар қилишга ундайдиган асарлар саҳналарда яшаши керак. Одамлар спектаклдан нимадир олсин, нимадир ўргансин, ҳис қилсин, уйғонсин.

Хуллас, ҳаётга, адабиётга хизмат қиладиган ижод намуналари кўп бўлишини жуда-жуда истардим.

**– Биз ҳам истагингизга шерикмиз. Мазмунли суҳбат учун раҳмат.**



Суҳбатдош:
**Гулрухбегим ОДАШБОЕВА**
*«ISHONCH»*

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehriddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Navoiy viloyati –** (+998-99) 889-90-28
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** S. Abdurahmonov

**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 22:30
**Topshirildi –** 22:50

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 35 046 та**
**Shundan:**
**7521 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
**19 061 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
**8464 nusxasi** «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma G 211**

1 2 3 4 5 6